

УШУ КЕЛБЕСИЗ, ЖАЗОИРЛАР НАДРОН ДУСТЛАР!

БУТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 84 (2632). Сешанба, 28 апрель 1964 йил. Баҳоси 2 тийин.

ЧИРЧИҚ ХИМИКЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

160-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ СССР ГОССРЕ ДАЭСТРОЙ ВА СССР ГОСМОНТАЖСПЕЦСТРОИ МОНТАЖ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ, СССР ГОСПЛАН ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИМИЯ КОМИТЕТИ ВА СССР ГОССТРОИЙ ЛОЙНАҚЛАШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТР ХИМИЯ КОМБИНАТИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Азия ўрқилари! КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни аjoyиб меҳнат галабаси билан — Чирчиқ электр химия комбинатига йилга 180 минг тонна карбамд ишлаб чиқарадиган ҳақдор комплексни қуриб битказиб, ўз вақтида ишга туширишга ташаббусларингиз билан қизғин қўллангилар.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларидаги ишчилар, инженерлар ва техникларнинг юксак маҳорати, қурилиш кенг индустриалаштирилган тўғайли азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган, иш узуми юксак замонавий ускуналар ўрнатилган йirik санаот комплекси қисқа муддатларда қурилиб бўлди ва ҳозирги вақтда уни Чирчиқ электр химия комбинати коллективи муваффақиятли равишда ўзлаштирмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

★ ★ ★

160-қурилиш трестининг, СССР Госстросрой ва СССР Госмонтажспецстрой монтаж ва ихтисослаштирилган ташкилотларининг, СССР Госпланин Хузуридаги давлат химия комитети ва СССР Госстроий лойнақлаш институтларининг ҳамда ўзбекистон ССР Чирчиқ электр химия комбинатининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига, партиясига, касабасига, комсомол ташкилотларига

ЧИГИТ ЭКИШ ИЛҒОРЛАРИ

Бекобод бошқармасидаги 2-Давлат совхози пахтакорлари чигит экиши бориши бўлиб таъминландилар. 3630 гектар майдонда чигит экиди. Шундан 3000 гектар чигит экиди. Маршикорлар бу йил гектарлардан 23,3 центнердан «оқ оқин» еттиштириш учун ҳозирдан бошлаб шажоат қўришмоқда. Совхозда чигит экиши ҳаммадан илгари тўғайли ўрқилар қўришди. А. Уроқов бошқарма 3-бўлим далаларида чигит бир текис экиб қўйди. Бу бўлим ишчилари навсуда 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон қўришмоқчи.

М. МИРСАТОВ. ЯНГИЙҮЛ. (Телефон орқали олинди). Бошқармадаги «Тенгиз» колхозининг пахтакорлари чигит экиши ланчани бажардилар. 22 та ағратки бетиним бошқарган азамат

3. ҚҮРТНЕЗИРОВ.

ОБЛАСТДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 27 АПРЕЛГАЧА БҮЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Бошқармалар	Бир кунлик ўсими	Маъмури бошқармалардан бери
Бекобод	8,5	84,5
Калинин	12,3	67,8
Янгийўл	10,0	65,5
Оқдўғрон	10,4	59,2
Урта Чирчиқ	10,8	54,1
Бука	7,8	47,4
Юқори Чирчиқ	10,4	42,4
Область бўйича	9,6	60,2

ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ АҲМАД БИН БЕЛЛА

Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти ва Министрлар Советининг раиси. Миллий овозлик fronti партиясининг бош секретари Аҳмад Бин Белла — овоз Жазоирнинг атоқли давлат сийёси ва партия раҳбари, Жазоир революциясининг ва Африка халқлари миллий овозлик ҳаракатининг атоқли арбоби.



Аҳмад Бин Белла 1916 йил 25 декабрда Мариня шаҳрида (Ғарбий Жазоир) деҳқон оиласида туғилди. Тлемсен шаҳридаги лицейда ўқиб билди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Италияда фашизмга қарши курашган кучлар олиб борган жангларда қатнашди. Иккинчи жаҳонда у Жазоир миллий овозлик ҳаракатининг қатнашчилари билан алоқа боғлади. 1945 йилда Аҳмад Бин Белла ўша даврнинг энг радикал нафий-лядаги партиясининг бошқарувида Жазоир Халқ партиясига 1946 йилда эса (бу партия таъқиқланганидан кейин) Демократик эркинликлар ташаббусида ўқиб бўлиб кирди. Жазоир халқининг мустақиллиги ва қарши миллий овозлик курашида аъти қатнашди.

«ТОШКЕНТ БАҲОРИ»НИНГ ЯҚУНЛОВЧИ АККОРДИ

Совет музикаси фестивали — биринчи „Тошкент баҳори“ тантанали суратда ёпилди

Совет музикаси фестивали — «Тошкент баҳори» республика мижа баҳори ҳуснига ҳуси бўлиб тушди. Фестиваль ўн кун давом этди. Фестиваль вакиллари саноат корхоналарининг ишчилари, студентлар уларни оқдилашди, жуда кўп санъат шинавандалари уларнинг куй ва қўшиқларини микириб тинглади. Улар совет музикасининг усталари ўз куйи, ўз меҳнати билан гузал келажакни барпо этаётган кишилар ҳузурида бўлишди. Завод ва дала меҳнаткашлари билан артистлар, композиторлар ўртасида мазмундор суҳбатлар бўлди. Улар бир-бирлари билан ўртоқлашадиган, талашиб олдиган кўпгина ишларни қилиб қўйишди. Атоқли совет композитори Д. Д. Шостакович билан уч марта Дарга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, дондор пахтакор Хамроқул Турсунқулов ўртасидаги учрашуви аниқ шундай зақди учрашувлардан бўлди.

Сўлим «Тошкент баҳори» қарерида меҳмон бўлмасин, ҳамма жойда аjoyиб фестивал гулдасти — симфония, халқ раиси, қўшиқи ва балетнинг ранг-баранг гулдастаси янаб турди. Мамлакатнинг машҳур театрлари, бутун жаҳон кўри марта оқинишлар дондор ансамбли билан йилин хавоскорлик қатнашчиларининг соҳиби ва хонадалари бир бўлиб, ана шу гулдастани ҳосил қилган эдилар.

Бу фестивал мамлакатнинг халқлари, дўстлигининг удувор симфонияси бўлиб йилгади. Россия, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Арманистон, Грузия, Қорағалғистон қўшиқлари жўр бўлиб, бу симфонияни вужудга келтирди.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига жуда кўп санъат шинавандалари яна тўла-йиллашди.

Янги ранг-баранг гуллар билан безатилган саҳнада меҳмонлар ва «Тошкент баҳори» фестивалининг меҳмонлари ва мезбонлари ўтириб-қилди. Президент Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари В. К. Ақилулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Курбонов, Н. В. Мартинов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, И. И. Федосинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолари В. Муртазов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимов ва Ўзбекистон иқтисодий соҳаларининг раҳбарлари, атоқли композиторлар, артистлар, жамоатчилик вакиллари жой олдилар.

Ш. Р. Рашидов совет музикаси фестивали — биринчи «Тошкент баҳори»нинг йиллигини бағишлашган тантанали кечани кириш нутқи сўзлаб очди.

— Бутун, — дейди ўрқоқ Рашидов, — «Тошкент баҳори» музика фестивали ёпилмоқда. Бу фестивал республикамизнинг маданият ҳаётида аjoyиб воқеа бўлиб қолди. Фестивалнинг ҳар бир кунини улар ва шодона бағрамга айланди, совет халқлари бузилмас дўстлигининг, ўзбек халқининг ўз оғаси ва содиқ дўсти улут рус халқи билан ҳамда совет Иттифоқидаги бошқа қардош халқлар билан мустақам бирлигининг ёркин намоишини бўлди.

Совет музика санъатининг бутун жаҳонга долғи кетган атоқли арбоблари, юксак бадий маҳорати бутун оламга машҳур бўлган ёркин, унутилмас асарларнинг ижодкорлари ва моҳир ижрочилари фестивалда қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номида, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номида «Тошкент баҳори»нинг ҳамма қатнашчиларига самимий ташаккур ва миннатдорчилигимизни изҳор қилишга икозат бергайсиз.

Атоқли совет композиторларида бири, СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари қадрон Тихон Николаевич Хренников, фестивалининг уюштириш ва ўтказишда аъти қатнашганлигини учун Сиздан чин кўнгилдан миннатдоримиз.

Фестивалнинг раҳбари, машҳур совет композитори, таниқли жамоат арбоби Дмитрий Дмитриевич Шостакович ва энг йирик ва жуда машҳур композиторларимиздан бири Арам Ильич Хачатуряна самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Дирижёрлик санъатининг моҳир усталари, ҳурмати Александр Шамилевич Мелик-Пашаев ва Юрий Федорович Фаер, Сизларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Совет кишилари орасида ва чет элларда ҳаммадан муҳаббатига сазовор бўлган энг талантли артистларимиз — азиз Гоар Гаспарян ва Александр Павлович Огнянцев, Леонид Игнатьевич Масленников ва Абрам Львович Стасевич, Ламара Григорьевна Чюкча ва Владимир Ильич Тимохин, Татьяна Ивановна Шмита ва Владимир Федорович Шишкинларга самимий ташаккур изҳор қиламиз.

Халқимиз орасида жуда машҳур бўлиб қолган ва ҳаммадан қиз-қизларнинг студенти Светлана Норбоева сўз олади. У институтнинг барча ўқувчилари ва ўқитувчилари Тошкент музика фестивали қатнашчиларининг ҳамма концертларини бориб кўришди, деди.

Келгусида артистлар ва режиссерлар, рессомлар ва театршунослар бўлиб етишадиган биз ёшлар сизнинг эўр маҳоратингиз, таланти ижрочилик қобилиятингизни кўриб, севимли ишга жон дилдан киришини ўргатамиз.

Философия фанлари доктори В. И. Зоҳидов Ўзбекистоннинг бутун интеллигенцияси номида фестивалнинг барча қатнашчиларига эўр миннатдорчилик, чукор меҳр-муҳаббат ва кечисиз ташаккур изҳор қилди.

СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР Иттифоқи халқ артисти Т. Н. Хренниковнинг нутқини эълан қилган қарамлар билан кутиб олмишди.

— Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида музика фестиваллари ўтказиб туриш, — деди у, — маданият ҳаётидаги аjoyиб традициядир. Бу традиция совет халқининг музика санъатига гот қизил қараётганлиги билан, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг музика санъатига катта аҳамият бераётганлиги билан боғланган. Чиндан ҳам музика инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, инсоннинг руҳига, унинг онини кимол тодиришга эўр таъсир қўрилади.

Совет музика маданияти ҳозирги вақтда жаҳонда энг илғор ва прогрессив маданиятдир. Маданиятнинг кучи, музиканинг кучи шундан, у халққа хизмат қилмоқда, халқнинг диллигини қўйламоқда.

Урта Осиё ва Қазоғистон республикаларининг маданияти ва санъати Совет ҳокимати йилларида гот раванг топди. Эндиликда бу ерда, бутун совет халқи фахрланса арийдиган композиторлар ва ижрочилар бор. Эндиликда совет Шарқи музика ҳаётидаги муваффақиятларини бутун дунё олдига намоиш қилиб кўрсатиш вақти келди.

Биринчи «Тошкент баҳори» фестивали эўр муваффақият билан ўтди. Шу фестивални ўтказиб тақрибсан уни ҳаммаи уюштириб туриш мумкинлигини кўрсатиб туришди. Бугун фестивалнинг йилда кенг қўламада ўтишини, унинг қатнашчилари эса янги йилда иқтисодий галабаларга эришини тилаймиз.

«Тошкент баҳори»нинг биринчи кунинда туғилган дўстлик симфониясининг яқунловчи аккордлари йилгади. Бу музикани Москва, Ленинград, Украина, Белоруссиядаги машҳур артистлар ижро этди. Машҳур дирижёр Александр Мелик-Пашаев янги дирижёрлик таъқисини қўла олади, бу таъқисни ўн кун муқаддам еш ўзбек скрипкачи қизин унга тақдим этди. М. Бурхоннинг «Ленин партияси мадҳияси» янгирайди. Томошабинлар мамлакатимизнинг бошқа бир машҳур дирижери, СССР халқ артисти Юрий Фаерини қизгн қарамлар билан кутиб олмишди.

Дирижёрлик пулти ёнига Россия Федерациясида хизмат қўришган санъат арбоби А. Стасевич келди. Унинг раҳбарлигида ижро этилган С. Юдановнинг «Хоразмда байрам шодонаси» асарини дирижёр Тошкент музика байрамчилик таъқисининг хор калеллеси, хори ва симфоник оркестри Г. Свирдовнинг «Патетики ораторияси» финалини ҳам унинг раҳбарлигида ижро этди.

Таниқли совет композитори Т. Хренников «Тошкент баҳори» яқунловчи концертнинг меҳмони бўлиб, Унинг Биринчи симфониясини финалини симфоник оркестр дирижёр С. Турчан раҳбарлигида ижро этди.

«Берёза»нинг майин «Қадимий рус вальси» билан концертнинг иккинчи бўлими очилди.

«Баҳор» ансамбли исми-жисмига монаб. Бизнинг «Баҳори» мизини кўпгина «Берёза»нинг санъатли деишди. Бу ўзбек ансамбли кўп вақт шимол кишиларига баҳор нафасини элди. Шу оқшом Навоий театрининг саҳнасида Ўзбек «Баҳори» илҳолда янаб келди — «Бат» рақси жоизбадор кўриб олди.

Янгидан ашула усталари — СССР халқ артисти Гоар Гаспарян, Россия Федерацияси халқ артисти Леонид Масленников, Украинада хизмат қўришган артистлар Ламара Чюкча ва Владимир Тимохин, Россия Федерациясида хизмат қўришган артист Евгений Белов, артист Светлана Корчак, Ленинграддаги С. М. Киров номида опера ва балет театрининг солисти Лев Морозов халқ қўшиқлари ва совет композиторларининг қўшиқларини айтиб беришди.

Навоий номидаги ўзбек академик опера ва балет театрининг солисткаси СССР Халқ артисти Галия Имайлова, К. Станиславский ва Вл. И. Немирович-Данченко номидаги Москва театрининг балет солистлари — Э. Ореласова, Е. Кузьмин, Москва операсининг солистлари Т. Шмита, В. Шинкин, Шуман номида халқлари пиланинчилар конкурсининг лауреати И. Аюкялар ҳам мана шу дўстлик симфониясида ўз ҳиссаларини қўшилди.

«Тошкент баҳори»нинг машҳур фестивалнинг дирижёрлик таъқисини ўзбек композиторларининг совет музикаси байрами маънавийнинг уқунлари Ўзбекистон турро, деган ёркин аламлиганиб турсин, деган мудоаб билан топширади. (ЎзТАГ).

ТАСС АҲБОРОТИ «КОСМОС—29» ОРБИТАДА

1964 йил 25 апрелда Совет Иттифоқида Ериг навбатдаги сўний йўлда «Космос—29» учирди. Йўлдош ичга илғим аппаратлар ўрнатилган, бу аппаратлар ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазон тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган. Йўлдош параметрлари қўйилгандаги бўлган орбитага чиқарилади: бошланғич айланғи 309 километр; Ер сатҳидан максимал узоклашуви (апогейда) 409 километр; минимал узоклашуви (перигейда) 204 километр; орбитага экватор текислигига нисбатан оғиш бурчак 65 градус; 4 минут.

Илғим аппаратлардан ташқари, йўлдошда — 19,996 мегагерц частотада ишловчи радиопередактич — орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема; — приборлар ва кимий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрия система бер.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координатлаш-ҳисоблаш марказ ойнаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.



МЕХАНИЗАЦИЯ-ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ, ҲОСИЛ КАЛИТИ

БЕКОВОДДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ЎРТОҚ А. УСМОНОВ БОШЛИҚ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЗВЕНОСИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН



Ўртоқ Абдубашор УСМОНОВ.

ҲАЗИНА КАЛИТИ МЕХАНИЗАТОР ҚЎЛИДА

БЕКОВОДА механизатор бир йилгидан бери. Азаллари унинг ҳамқишлоқлари, ўзи ишлаб турган колхоз аъзоларининг аниқ билишлари. У ҳақда гап кетганда: Абдубашор «тракторнинг йили», «машина иқибози» дейишарди. Дарҳақиқат шундай, Абдубашор эсини танибдики, машина унинг қадридон, дўсти, Вугунга қандай механизаторнинг шу қудратли дўсти уни биргина колхозгагина эмас, бошқармага, ҳатто областга таъинлаш, унинг тажрибаси нег оммага, таъинлашга лойиқ, деб топилди. Хўш бошқармага Ленин номи колхозининг комплекс механизациялашган звено бошлиғи Абдубашор Усмонов бундай хурматга қандай қилиб эришди?

Маълумки, Бекобод зонасининг асосий ерлари шўрхон, зах ва пасткам. Абдубашор ишлаб турган колхозда ҳам ер ана шундай. Шўрхон майдонларга гоҳ яқоб бериб, гоҳ шўрхон ювиб чигит экиб қўрилади. Ғўза авжи ҳосилга кирадиган пайтда экинни ғўзага босиб кетарди. Ўғити йўқотиш эса амри маҳол, то унинг илдизини қуритгунча ғўза нимжонланиб, ҳосилдан қоларди. Бундай ерларга бошқача ишлов бериш — ҳосилнинг баракасини учираётган шўрни қуритиш, оғир кўл меҳнатини машиналар елкасига юклаб, бўз ерини бустон қилиш керак эди. Бу ишнинг уйдасидан, албатта, дала хўжалиғини — механизатор чикариди.

Илгарилари Абдубашор қайси бригада, қайси звенога бориб ер ҳайдаш зарур бўлса айтилган ерга боради, ҳайдаш тугагач яна бошқа участкага кетаверар эди. Бригада ҳам кўп, звено ҳам. Уларнинг бири юқори ҳосил беради, иккинчиси ҳам. Ўша пайтларда тракторчига бунинг фарқи йўқ эди. Чунки у бакарган ишга, ҳайдаган ерининг ҳажмига қараб ҳақ олаверарди. Бунинг устига ҳар қайси картанинг шароити ҳар кил. Тракторчи шу ер шароитини обдон ўрганимасдан туриб, бир бор ҳайдарди-ю, у картадан иккинчисига ўтиб юраберарди.

Ғўза, механизация иши ҳам, деҳқончилик касби ҳам суяк-суякка синиб кетган асёл пахтакор бунга бефарқ қараб туралармиди? Кейинчалик ўртага звено бошлиқлари тракторчилардан бўлсин, деган шпор ташланди. Нега? Чунки тракторчи ўзига ажратиб берилган маълум картада ишлайди. Шу ерининг ҳосилдорлиги учун ўзи жавабгор эканлигини ҳис эгади. Шу пайкалга меҳр қўяди. Шунда Абдубашор ҳам биринчилар қатори колхоз правленисига мурожаат қилиб: «Майли менга кучсиз, намҳосилли ердан ажратиб беринг, кўп киши ҳам керак эмас, техникани ишга соламан, кучимизни синиб қўраман» деди.

Унга 38 гектарлик майдон ажратиб берилди. Бу, 1962 йил — Абдубашор звено бошлиғи экиб тайинланган биринчи йил эди...

ТРАКТОРЧИЛАР ИШ БОШИДА

АБДУБАШОР бошлиқ звенога бириктирилган ерининг ҳар гектаридан 1961 йили 14 центнердан ҳосил олинди. Бунинг устига жуда кўп меҳнат, маблағ сарфланиб, даромад намайиб кетди.

Хўжаликни юритишнинг интенсив формаларига ўтиш, мамлакат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига катта-катта маблағ сарфлаётган ҳозирги вақтда биз мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари олдида каттароқ талаблар қўйишга ҳақлимиз. Ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш — аввало хўжаликни ихтисослаштириш, минерал ўғитларни кенг қўлланиш, комплекс механизациялаш демакдир. Машиналарни ўғитларни билмаган улардан қандай фойдаланишни билмаган, ўзи экадиган экинни қандай устиришни билмаган киши бунинг оқибатлари — нима бўлиб чиқишини пайқаб олиши қийин эмас. Бундай киши яхши ҳосил олмайдиган ва натижада колхоз, совхоз, давлат манфаатларига бевосита зарар етказилади.

Н. С. ХРУШЧЕВ.
(КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган хатидан).

— Ғўза ёшлиғида қанча яхши парвариш қилинса, у шунчалик бақувват ўсади, — дейди у. — Чунки яхши ишланган ерда бегона ўтининг шашти қайтиб қолади, тупроқ майин бўлгани учун ғўза кўп сув ҳам талаб қилмайди. Биринчи сув авот билан оқизилади. Ер обдон тўйдирилиб, тупроғи майин бўлганда кейин ғўза кун сайин кўлф уриб, бўйига бўй қўшади, ён шохлари қўяди. Бундай пайтда универсални қўдалагига юргизмайман, негани ён шохларига зарар келтириб қўйиш мумкин.

Ғўза тезда ҳосилга кириши учун уни дарҳол чеканка қилиш керак. Абдубашор бу ишда ҳам янги технологияга суянади.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

ЗВЕНОВА барча ҳисоб-китоб ишини звено бошлиғининг ўзи олиб боради. Ортиқча меҳнат сарф қилинишига йўл қўйилмайди. Асосий ишларнинг ҳаммаси механизация ердамида бажарилади. Абдубашор ғўза чеканкасида ишчи кучи сарфамаслик йўлини ҳам топди. У «Т-28» ҳайдов тракторининг олд томонига ғўзани чеканка қиладиган мослама ўрнатди. Мосламанинг регуляторининг ўзи ихтиро этди. Ғўза ҳам ён томонга, ҳам юқори томонга қараб шохлайди, баравар эмас, баланд-паст ўсади. Чеканка қиладиган мосламанинг қирқувчи қисми эса шундай ишлангани, у ғўзани бир текисда чиқиб кетарди. Ана шунда ўсимлик бир текисда ривожланади.

1963 ЙИЛДА ЗВЕНОНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧИ ҚУЙИДАГИЧА:

- ПАХТА МАЙДОНИ — 38 ГЕКТАР.
- ҲОСИЛДОРЛИК — 30 ЦЕНТНЕР.
- БИР ЦЕНТНЕР ПАХТАГА САРФЛАНГАН МЕҲНАТ — 4,5 ИШ КУНИ.
- БИР ЦЕНТНЕР ПАХТАНИНГ ТАННАРХИ — 18,46 СЎМ.
- ШУ ЖУМЛАДАН, ИШ ҲАҚИ 6,99 СЎМ.
- ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАЪМУРИЙ ХЎЖАЛИК ЧИҚИМЛАРИ — 6,49 СЎМ.
- ҲАР ЦЕНТНЕР ПАХТАГА ДАВЛАТ ТУЛАГАН ПУЛ — 40,94 СЎМ.

Абдубашор бу ишни ҳам ғўзани парвариш қилиш жараёнида бажарарди. У чеканка қилувчи аппаратнинг тилини яхши тушунгани учун ағат оралаб кетатганда бирор туп ҳам ғўзанинг нобуд бўлишига йўл қўймайди, ҳар икки ишни бир йўла сифатли бажарарди. Аммо ҳисобга унинг асосий иши ғўзага ишлов бериш — культивациягина ёнларди. Шундай қилиб, бу звенода янги техноло-

гияни жорий қилиш ҳисобига чеканкага меҳнат кунини мутлақо сарфланмайди. Вақолани, кўп жойларда чеканка қўлда қилинади ва бу ишга аниқгина меҳнат кунини ортиқча сарфланади, бунинг устига иш кўнгилдагидай бўлмайди. Ғўза бўйи кўпича паст, баланд бўлиб қолади.

Чеканка барвақт ўтказилса ғўза эрта ҳосилга кирарди, кўсаклар баравар очилиб беради. Абдубашор бошлиқ звено аъзолари шунга амал қилишди, пахта бир вараканг очилгач Абдубашор «эангори немаси» билан пайкалга тушди-ю, ҳосилнинг кўп қисmini ўзи териб олади. Ҳатто кўсаги ҳам машинада йиғиштирилади. Натижада 15 — 20 иш кунига план ортиси билан бажарилади. Ана шу тадбирлар қўлланилиши учун ҳам бу звено аъзолари 1962 йил ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил кўтарди, яъни 1961 йилга нисбатан ҳосилдорлик иш бирданига гектар бошига 12 центнердан ошди. Аммо ҳосилнинг таннарни уларни қаноатлантирмади. 1963 йилда эса звено аъзолари аввалги йилгидан ҳам яхши ишладилар. Машиналар комплексдан яна ҳам унумли фойдаланишди, натижа нима бўлди?

ТҮПКОЧИ-КЎЧИЕВЧИ ЗВЕНО ЮТУҒИ

1963 йили ҳам Абдубашор Усмонов бошлиқ звено аъзолари 38 гектар майдонга чигит экиди. Асосий иш машиналар ердами билан бажарилади. Топно ва Кўчевдан ўртак олган звено нарядис ишлаб бошлади. Ушқ хўжалик ҳисобига ўтганини учун ҳам бу звено аъзоларининг меҳнат ҳақи колхоз бўйича энг юқори бўлди. Звено аъзоларининг ҳар бир меҳнат кунига 6 сўм 99 тийиндан ҳақ тўланди.

Звено бошлиғининг ўзи ўша йил 6,284 сўм даромад қилди. Бундай ютуқ албатта, звенога механизатор бошлиқ қилгани тўғрисида кўпга киритилди. Аммо механизатор дала ҳам механизатор бор. Ҳамма гап машинанинг тилини билиб, ундан умуман қадар унумли фойдаланишга борилади. Жуьладан, Абдубашор кўла ерига пешма-пеш қайтарди. У техникасини кўз қорачигидай асради. Эрта баҳорда тупроғини яхши юмшатиб, табиғий намин тўла сақлаб қолдиш пайтда бўлади. Ғўза парваришини энг яхши агротехника муддатларида ўтказилади.

Абдубашор бу соҳада машҳур механизатор Жавод Кўчевдан ўртак олган. У бошлиқ звенонинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи Кўчев бригадаси кўрсаткичидан жуда кам фарқ қиларди. Масалан, Кўчев бригадасида ишлаб турган бир киши ҳисобига 330 центнер пахта етиштирилган бўлса, Усмонов бошлиқ звенода 280 центнер пахта тайёрланган. Кўчев бригадасида бир центнер пахтага 8,4 меҳнат (соат) сарфланган бўлса, Усмонов звеносида унинг тенг ярми сарфланган. Бир центнер пахтанинг таннарни Кўчевда 14 сўм 48 тийинга тўғри келса, Усмоновда 18 сўм 46 тийинданга тўғри келди.

Кўриб туришмики, ҳар тарафлама тафруту ҳам. Усмоновлар звеноси каби звенолар иш-хўлда ягона эмас, 16 та тўпкочи звено бор. Улар орасида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича Усмонов эрининг натижаларга яқин тушадиганлари ҳам бор. Ленин хўжаликда мураббит таннарини қимматга тушираётган бригада, звенолар ҳам йўқ эмас. Боймат Қаримов бригадасида ҳар гектар ердан 18,9 центнердан ҳосил олинган.

Усмонов звеноси 38 гектар майдонда етиштирилган пахтадан 45,858 сўм даромад олганда Қаримов бригадаси 100 гектар майдонда етиштирилган ҳосилдан атиги 74,357 сўм даромад қилган. Ж. Холмонов бошлиқ звенода эса гектаридан 19 центнердан ҳосил олинди, ҳолос. Бир центнер пахтанинг таннарни эса 24 сўм 40 тийинга тўғри келди. Натижада Холмонов бошлиқ звено аъзоларининг меҳнат кўнларига олган ҳақлари намайиб кетди.

Бу бригада ва звеноларнинг қозонлиғига асосий сабаб нима? Улар техника кучидан яхши фойдаланишмади. Озиқлантириш қўйилмагандек ўтказилмади. Машина теримида ҳам етарли эътибор берилмади. Натижада кўл меҳнати кўп сарфлаб юборилди. Умуман Ленин номи колхозининг ўзи ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Бекободликлар ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармадилар.

Бу йилги ишлар КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми белгилаб берган тадбирлар асосида олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш бу ерда асосий вазифа қилиб қўйилган. Хўжалик раҳбарлари ўртоқ Хайдарали Хамроқулов ўзи кўп йиллар механизатор бўлган. У техниканинг куч-қудратига ишонгани, уни қадрлайди. Бу йил колхоз правлениси ва бошланғич партия ташкилоти ишчи хўжаликда комплекс механизациялаштирилган бригада, звенолар ташкил этишди, иш бошига механизаторларни раҳбар қилиб қўйишдан бошладилар.

— 16 тўпкочи звеномига 750 гектар майдонда «оқ олтин» етиштилади. Уларнинг ишини кўнгилмиз тўқ, — дейди ранс.

ХОЗИР колхозда ҳамма звено ва бригадаларда Усмоновнинг тажрибасини кенг жорий этишга катта эътибор берилди. Унинг звеноси зарур техника билан қанчалик таъминланган бўлса бошқа звенолар ҳам шундай таъмин этилади. Усмонов звеносида қанча ўғит ажратилса бошқа звенолар ҳам шунча ўғит олади. Ҳар қайси звено бошлиғининг қўлида колхоз правлениси билан тузган шартномаси бор. Маана: Усмоновнинг шартномасидаги рақамлар: звенонинг экин майдони 45 гектар. План бўйича бир гектар ердан 25 центнердан, мажбурий бўйича 30 центнердан ҳосил етиштириши лозим. Пахтанинг 73 проценти биринчи сортга топширилади. План бажарилса звено 44,943 сўм мажбурий бажарилади. 53,921 сўм даромад қилди. Ишлаб чиқариш қимматлари 18,179 сўм белгиланди. Шундан 8,740 сўм меҳнат кунига тўланади. Ениги, мойлаш учун 1207 сўм техника ремонтига, 1451 сўм уруғ учун 2337 сўм, майда инвентарга 407 сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, ўғит, ярим химикатлар харайати ҳам тўла ҳисобга олинган.

Бу шартноманинг бир нуқсани колхоз идорасида, иккинчиси звено бошлиғининг қўлида турлади. Тадбиркор звено бошлиғи ажратилган маблағни мумкин қадар тежаб-тежаб сарфлашга уринади. Агар маблағ наф сарф бўлса звено аъзоларининг шахсий манфаатдорлиги ҳам ортади. Борди-ю, гектардан 25 центнер эмас, 30 центнердан ҳосил қутариш эса унда звено аъзолари 14,576 сўм қўшимча ҳақ олади; демак меҳнатга аккорд-мукофот системаси бўйича ҳақ тўланади.

Бу йилги баҳор ҳар йилгидан яна иккинчи, сербғир келди. Усмонов нафатдан телислаб қўйган ерларига ёмғир тўғрисида ўз муддатда чигит экимай яна қойинди, лекин уста пахтакор об-ҳаво қулай келган ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб ҳамма майдонда чигитни сифатли қилиб экиб олади. Энди у биринчи парваришга бел боғлаб турипти.


Бекобод бошқармасида Усмонов сингари тўпкочи звено бошлиқларининг сафи кейинги йилларда яна қўяйди. Уларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳам чинки эмас. Ҳозирги кунда Усмоновнинг ишлаб чиқаришидаги илгор методи бутун бошқарма хўжалиқларига нени қанот ёйди. Бошқарма партия комитети Усмонов ташаббусини қўллаб қувватлади.

Шу муносабат билан звено бошлиқлари механизаторлардан бўлиш шартми-йўқми дейдиган айрим фикрлар ҳақида шунини рўй-рост айтишга тўғри келмадики, иш бошида механизатор бўлса, ер ҳақинининг налти унинг қўлида бўлади. Ахир республикамиздагина эмас, бутун Иттифоқимизда донин кетган машҳур механизаторларимиз Турсунов Оқунова, Жавод Кўчев, Валентин Тўпколарнинг пахтачиликни комплекс механизациялаштиришдаги илгор тажрибалари нимами қувонтирмайди, дейсиз.

Областимизда тўпкочи ва кўчиевчи звено бошлиқларининг сафи тобора кенгаймоқда. Бу бригада ва звеноларнинг бошлиқлари деҳқончилик маланиятининг юксак даражасида кўтаришда, мўз ҳосил учун олиб борилган кўрашда машиналар комплексига ва химиявий воситаларни удлабуронлик билан қўллаландилар.

Ф. УСМОНОВА,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Суратларда: (чапдан) 1. Звено даласида чигит экиш пайти. 2. Абдубашор УСМОНОВ (чапдан тўртинчи) звено аъзолари А. ОҚҚУЛОВ, В. БОЙМИРЗАЕВ, А. БОЙҚУЛОВ ва У. БОЙҚУЛОВЛАР билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 3-БЕТ, 28 АПРЕЛЬ 1964 ЙИЛ.

